

## Course: Islamic Finance

### Lecture 8: Establishment of Islamic Banking Windows in Conventional Banks

Prepared by: Dr. Shaamirova Surayyo

Сўнгги йилларда жаҳон молия тизимида ислом молияси индустрияси энг тез ривожланаётган соҳалардан бирига айланди. Ислом молияси нафақат мусулмон мамлакатларда, балки Европа, Осиё ва Америка давлатларида ҳам молиявий диверсификациянинг муҳим йўналиши сифатида шаклланимоқда. 2024 йил ҳолатига кўра, жаҳон ислом молияси саноати ҳажми 3,88 триллион АҚШ долларига етган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,9 фоиз ўсишни ташкил этган. Ушбу бозорнинг асосий қисмини исломий банкчилик ташкил этади ва унинг ҳажми 2,37 триллион долларга тенг. Шунингдек, сукук бозори 875 миллиард доллар, такафул бозори эса 33 миллиард доллардан ошган.

Жаҳондаги шариат талабларига мувофиқ активларнинг қарийб 95 фоизи атиги ўн та давлат ҳиссасига тўғри келади. Улар қаторига Саудия Арабистони, Эрон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Қатар, Туркия, Баҳрайн, Индонезия ва Покистон киради. Бу давлатларда ислом молияси нафақат банк тизими, балки капитал бозори, суғурта, микромолия ва инвестиция соҳаларига ҳам кенг жорий этилган.

Ўзбекистонда ҳам ислом молиясига бўлган қизиқиш ва эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакат 2003 йилдан буён Ислом тараққиёт банки (IsDB)нинг аъзо давлати ҳисобланади. Сўнгги йигирма йил давомида IsDB Ўзбекистон иқтисодиётига 4,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратган. Шу билан бирга, халқаро экспертлар Ўзбекистонда ислом молияси бўйича ҳуқуқий база шакллантирилганидан кейин мамлакат ҳар йили 10 миллиард долларгача инвестиция жалб қилиш имкониятига эга бўлишини таъкидламоқда.

Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири “Islamic Window” (“Ислом дарчаси”) тизимини жорий этиш ҳисобланади. Ислом дарчаси — бу анъанавий тижорат банки таркибида ташкил этиладиган ва шариат тамойиллари асосида молиявий хизматлар кўрсатувчи махсус бўлимдир. Ушбу тизим банкларга ўз фаолиятини тўлиқ исломий банкка айлантирмасдан туриб, исломий молиявий маҳсулотларни таклиф этиш имконини беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир қатор банклар ислом дарчаларини жорий этган. Жумладан, “Ҳамкорбанк” 2022 йилдан бошлаб исломий лизинг хизматларини

таклиф этишни бошлади. “Трастбанк” 2023 йилда шўъба корхона орқали ўзининг “Islamic Window” тизимини ишга туширди. “Ҳаёт Банк” ҳам 2023 йилдан исломий лизинг хизматларини йўлга қўйди. Шунингдек, Asia Alliance Bank, Халқ банки, Kapitalbank, Turonbank ва бошқа банклар ҳам ислом дарчаларини жорий этишни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатда исломий лизинг ва такафул хизматлари ҳам ривожланмоқда. Масалан, Taiba Finance компанияси 2010 йилдан буён Ижара ва Муробаҳа хизматларини таклиф қилиб келмоқда. Шунингдек, Uzbek Leasing International ва Hayot Finance Corp компаниялари ҳам исломий лизинг бозорида фаолият юритмоқда. Суғурта соҳасида эса Temiryo'l Sug'urta, Apex Takaful ва Neo Insurance каби компаниялар такафул хизматларини йўлга қўймоқда.

Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантириш учун ҳуқуқий база шакллантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2026 йил 27 мартда қабул қилинган ЎРҚ–1126-сон Қонун мамлакатда исломий банк фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун орқали “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга исломий банкчиликка оид янги нормалар киритилди. Натижада, “Islamic Window” институти расман тан олинди ва тижорат банкларига шариат тамойиллари асосида молиявий хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Қонунчиликдаги ўзгаришлар нафақат банк соҳасини, балки солиқ ва фуқаролик қонунчилигини ҳам қамраб олди. Масалан, Муробаҳа ва Ижара операцияларида икки карра солиққа тортиш муаммосини бартараф этиш бўйича чоралар белгиланди. Шунингдек, исломий молиявий шартномаларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Марказий банк томонидан ҳам ислом молиясини тартибга солиш бўйича янги механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, исломий банк хизматларини лицензиялаш, шариатга мувофиқлик назорати ва prudensial талабларни белгилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, AAOIFI ва IFSB каби халқаро стандартларни жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ислом молия хизматларига бўлган талаб юқори ҳисобланади. Халқаро тадқиқотларга кўра, аҳолининг маълум қисми диний эътиқоди сабабли анъанавий банк кредитларидан фойдаланмайди. UNDP томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, жисмоний шахсларнинг 75 фоизи ва хусусий сектор вакилларининг 61 фоизи ислом дарчалари ёки исломий банклар очилса, улар билан ишлашга тайёр эканлигини билдирган.

Ислом молиясини жорий этиш мамлакат иқтисодиёти учун қатор ижобий натижаларни келтириб чиқаради. Аввало, хорижий инвестициялар ҳажми ошади ва молиявий бозор диверсификация қилинади. Шунингдек, янги иш ўринлари яратилади, аҳолининг молиявий саводхонлиги ошади ва яширин иқтисодиёт ҳажми қисқаради. Ислом молияси, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ислом молияси ва “Islamic Window” тизимини жорий этиш иқтисодиётни модернизация қилиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва молиявий инклюзивликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик ислохотлари, халқаро ҳамкорлик ва молиявий инфратузилманинг ривожланиши келгусида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ислом молияси марказларидан бирига айланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

### **Ислом банк дарчаси (Islamic Window) тушунчаси**

Ислом банк дарчаси (“Islamic Window”) — бу анъанавий тижорат банки таркибида ташкил этиладиган махсус бўлим ёки молиявий платформа бўлиб, у шариат тамойилларига мувофиқ равишда исломий молиявий маҳсулот ва хизматларни таклиф этади. Бундай тизим орқали банк ўзининг анъанавий фаолиятини сақлаб қолган ҳолда, фоизсиз ва шариат талабларига мос молиявий хизматларни ҳам кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Ислом дарчалари одатда куйидаги хизматларни таклиф қилади:

- Муробаҳа (товарни устама билан сотиш),
- Ижара (исломий лизинг),
- Мушорака (шерикчилик молиялаштириши),
- Мудараба (инвестицион шерикчилик),
- Исломий депозит маҳсулотлари,
- Такафул (исломий суғурта).

Ислом дарчасининг асосий хусусияти шундаки, унинг маблағлари ва операциялари анъанавий банк операцияларидан алоҳида ҳисобда юритилади. Бу эса шариат талабларига мувофиқликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида ислом дарчалари ислом банкчилигини ривожлантиришнинг энг самарали моделларидан бири сифатида қаралади. Айниқса, тўлиқ исломий банк ташкил қилиш учун ҳуқуқий ёки молиявий инфратузилма етарли бўлмаган мамлакатларда “Islamic Window” модели кенг қўлланилади.

AAOIFI ва IFSB маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйлаб 80 дан ортиқ мамлакатда ислом молияси хизматлари мавжуд. 2024 йил ҳолатига кўра, глобал

ислом молияси активлари 3,88 триллион АҚШ долларидан ошган бўлиб, шундан асосий қисмини исломий банкчилик ташкил этади.

Халқаро молия институтлари маълумотларига кўра:

- дунёда 500 дан ортиқ исломий молия муассасалари фаолият юритмоқда;
- 200 дан ортиқ анъанавий банклар “Islamic Window” тизимига эга;
- энг йирик ислом дарчалари Малайзия, БАА, Саудия Арабистони, Баҳрайн ва Буюк Британияда жойлашган;
- Малайзия дунёда “Islamic Window” модели энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда HSBC Amanah, Standard Chartered Saadiq, Citi Islamic, Maybank Islamic ва Dubai Islamic Bank каби йирик молиявий институтлар ислом дарчалари ёки шариатга мувофиқ молиявий платформалар орқали фаолият юритмоқда.

Ислом дарчаларининг ривожланиши молиявий инклюзивликни ошириш, аҳолининг банк хизматларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва янги инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. AAOIFI (2025). *Sharia Standards for Islamic Financial Institutions*. Bahrain: Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions.
2. Islamic Financial Services Board (IFSB) (2024). *Islamic Financial Services Industry Stability Report*. Kuala Lumpur: IFSB.
3. AlHuda CIBE (2025). *The Outlook of Islamic Finance 2025*. Dubai: AlHuda Centre of Islamic Banking and Economics.
4. Dusuki, A.W. (2012). *Islamic Financial System: Principles and Operations*. Kuala Lumpur: ISRA.
5. Iqbal, Z. and Mirakhor, A. (2011). *An Introduction to Islamic Finance: Theory and Practice*. Singapore: Wiley.
6. Moody's Investors Service (2021). *Sector Comment: Islamic Finance Opportunities in Emerging Markets*.
7. Lecture Slides: "Establishment of Islamic Banking Windows in Conventional Banks".